



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ДИНИМИЗ ҲАР СОҲАДА МЎЪТАДИЛЛИККА ЧАҚИРАДИ

Мухтарам жамоат! Яратган бандаларига меҳрибон Зот, бизларни яратиб ўз холимизга ташлаб қўймади, балки дунё ва охиратда ҳам бахтли ҳаёт кечиришимиз учун барча нарсаларни очиқ – ойдин баён қилувчи китобини ва у китобини бизларга етказувчи Расулини юборди. Аллоҳ таоло сизу биз мўминларга хитоб қилиб шундай марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ

яъни: “Эй, имон келтирганлар! Сизларни тирилтирувчи нарса учун чорлаганларида, Аллоҳга ва Расулга (лаббай деб) жавоб қилингиз” (Анфол сураси, 24-оят).

Муфассир уламоларимиз ушбу ояти каримадаги “Сизларни тирилтирувчи нарса”дан мурод мусулмон кишининг руҳий тириклигини таъминловчи имон, эътиқод, шариатимизга мувофиқ ҳаёт тарзи эканини таъкидлаб ўтишган. Ҳа, динимиз инсоннинг қандай ҳаёт кечириши, нималарга амал қилиб, нималардан сақланиши кераклигини очиқ ойдин белгилаб берган.

Динимизга кўра инсон ҳам ички олами – қалбини ислоҳ қилишга, ҳам ташқи кўринишини тартибга келтиришга буюрилган.

Қалбини ислоҳ қилиши – унинг аввало имон эътиқоди, тақвосида, қолаверса, одоб ахлоқи ва инсонлар билан ўзаро муомаласида намоён бўлади. Нўъмон ибн Башр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай марҳамат қилганлар:

"أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضَغَةً إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ"

(متفق عليه).

яъни: “Огоҳ бўлингким! Албатта жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у солиҳ бўлса, жасаднинг ҳаммаси солиҳ бўлур. Қачон у бузуқ бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузуқ бўлур. Огоҳ бўлингким ушбу нарса қалбдир”.

Кишининг ташқи олами эса, унинг кийими ва ташқи кўринишининг озода ва тартибли эканида кўринади. Динимиз мана шу икки жиҳатни тартибга солишга буюради.

Кийим – инсон зийнати. У киши маънавияти, маданияти, диди ва дунёқарашининг ёрқин кўзгусидир. Кийим инсонни иссиқ-совуқдан сақлайди,

авратларини беркитади ва кишига зийнат бўлиб хизмат қилади. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

يَا بَنِي آدَمَ قَدْ أَنْزَلْنَا عَلَيْكُمْ لِبَاسًا يُؤَارِي سَوْآتِكُمْ وَرِيشًا وَلِبَاسُ التَّقْوَى ذَٰلِكَ خَيْرٌ ذَٰلِكَ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ لَعَلَّهُمْ يَذَّكَّرُونَ

яъни: “Эй, Одам авлоди! Сизларга авратларингизни беркитадиган либос ва патлар (зийнат кийимлари)ни туширдик. (Аммо) тақво либоси – бу, яхшироқдир. Бу(лар) Аллоҳнинг мўъжизаларидандир. Шояд (буни) эслаб кўрсалар!” (Аъроф сураси, 26-оят).

“Аврат” сўзи арабча бўлиб, инсон ўз қадри ва ҳаёсини асраб қолиши учун баданининг бекитадиган аъзоларини англатади. Инсон танасининг кўздан яширилиши ва намозда ёпиқ туриши фарз қилинган, кўрсатиш ва қараш ҳаром бўлган қисми – авратдир.

Жоҳилият даврида одамлар нафси ҳаволаридан келиб чиқиб кийинишар эди. Ислом келиб кийиниш масаласини тартибга солди. Инсон эҳтироми ва жамоатчилик одобига зид бўлган либослардан қайтарди. Шу билан бирга кийиниш маданиятига риоя қилишга чақирди.

Ислом дини кўрсатмасига кўра аёл-қизлар балоғатга етганларидан кейин бегона (номахрам) эркаклардан тўсиш учун ўз аврат аъзоларини беркитиб юришларига буюрилганлар. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

وَقُلْ لِلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَارِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَى جُيُوبِهِنَّ

яъни: “Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номахрам эркаклардан) қуйи тутсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар! Шунингдек, (одатда) кўриниб турадиганидан бошқа зийнатларини кўрсатмасинлар ва рўмолларини кўкраклари узра тушириб олсинлар! ...” (Нур сураси, 59-оят).

Ушбу ояти каримадаги “кўриниб турадиганидан бошқа зийнатлари” жумласини шарҳлаб жумхур уламолар аёлларнинг икки қўлининг кафти ва юзи аврат ҳисобланмайди, деганлар.

Мазкур ояти каримада муслима аёл-қизларга ташқаридан бўлиши мумкин бўлган салбий таъсир ва муомалалардан ўзларни сақлаш мақсадида бегона (номахрам) эркакларни олдида авратларини яшириб, ёпинчиқларини устиларига ташлаб юришларига буюрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, исломда ибодат либоси йўқ. Асосий талаб эркак киши кийинишда ўзини аёлларга ўхшатиб олмаслиги ёки аксинча, аёл эркакча кийинмаслиги саналади. Ҳанафий мазҳабимизга кўра аёл киши ўранганида икки қўлининг кафти ва юзидан бошқа аъзоларини ёпиши вожибдир. Бунга Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Асмо бинти Абу Бакр разияллоҳу анҳога қарата айтган қуйидаги ҳадислари ҳам далолат қилади:

"يَا أَسْمَاءُ، إِنَّ الْمَرْأَةَ إِذَا بَلَغَتِ الْمَحِيضَ لَمْ يَصْلُحْ أَنْ يُرَى مِنْهَا إِلَّا هَذَا وَهَذَا" وَأَشَارَ إِلَى وَجْهِهِ وَكَفِّهِ

(رَوَاهُ الامام أَبُو دَاوُدَ).

яъни: *“Эй Асмо, аёл киши вояга етганда ундан мана бу ва мана бу жойларидан бошқаси аъзоси кўриниши мумкин эмас”, деб юз ва икки кафтларига ишора қилдилар*” (Имом Абу Довуд ривоят қилган).

Лекин ҳозирда айрим аёл-қизларимиз сохта ғоялар таъсирида, ўзгаларга тақлид қилиб мазҳабимизга хилоф ва миллий урф-одатларга зид равишда юз ва кўллари тўсган ҳолда бурка ва ниқоб тақиб олиш ҳолатлари учраб турибди. Аслида ҳар бир нарсада бўлгани каби, кийимда ҳам мўътадил бўлиш мақсадга мувофиқ саналади.

Исломда аёл-қизларнинг сатри авратда бўлиши талаб этилсада, бунда махсус кўринишдаги ёхуд махсус рангдаги кийим кийиш шарт қилинмаган. Яъни, ибодатли, диёнатли аёллар махсус ранг ёки кўринишдаги либосларни кийишлари фарз ёки вожиб деб белгиланмаган.

Ислом тарихида баъзи саҳобия аёлларнинг қора рангли ёпинчиққа ўранганларининг асосий сабаби ўзларига номаҳрам эркакларнинг эътиборини жалб этмаслик бўлган. Лекин бундан бошқа муслима аёлларнинг ҳам кийимлари айнан қора рангда бўлиши шарт экани келиб чиқмайди. Шариатда талаб этилгани – аёлларнинг либоси аврат аъзоларини тўлиқ ёпиши кераклигидир.

Аёлларнинг қора кийим кийишларига диний тус бериш нотўғри эканини ҳозирги замон уламолари ҳам таъкидлаб ўтишган. Зеро, Қуръони каримда ҳам, суннати набавияда ҳам аёллар қора рангли либосда бўлиши ҳақида кўрсатма йўқ. Саудия Арабистонига қарашли “Илмий тадқиқотлар ва фатво бериш доимий кўмитаси” томонидан эълон қилинган “Аёл кишининг рўмоли ва либосининг ранги ҳақида”ги фатвосида шундай дейилган: *“Муслима аёл кишининг либоси қора рангга хосланган эмас. У истаган рангдаги либосни кийиши мумкин. Бунда кийим аврат аъзоларини тўсадиган бўлиши, эркакларнинг либосига ўхшамаслиги, тор бўлиб, аёлнинг аъзоларини билдириб турмаслиги, юпқа бўлиб, баданини кўрсатадиган бўлмаслиги ҳамда фитнага сабаб бўлмайдиган либос бўлиши шарт қилинган”*.

Мухтарам азизлар! Аёл кишининг юзини беркитиши, кўлларига кўлқоп тақиб олиши ёки айрим йигитларнинг узун соқол қўйиб олиши уларнинг тақводорлигини ифодаламайди. Аслида тақво инсоннинг қалбида бўлиб, унинг нишонаси амалда ва инсонлар билан муомалада намоён бўлади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадиси шарифларидан бирида:

"التقوى ها هنا وأشار إلى القلبِ بحسبِ امرئٍ من الشرِّ أن يحقرَ أخاه المسلمَ" (أخرجه مسلم).

яъни: *“Тақво бу ерда, деб қалбга ишора қилдилар ва “Бир кишининг ёмонлигига биродарини таҳқирлаши етарли бўлади”, дедилар*” (Имом Муслим ривоятлари).

Ҳозирда айрим йигитлар бетартиб соч-соқол қўйиб, атрофидагилар билан кўпол ва дағал муомалада бўлиши, ҳар-хил бемани ёзув ва расмлар туширилган футболка, калта шим ва шиппакларда кўчани тўлдириб юриши мусулмончилик

одобларига тўғри келмайди. Мусулмон кишининг одоби унинг қуруқ даъвосида эмас, балки, юриш-туриши, ҳаракоту саканотида намоён бўлиши лозим.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, баъзи қизларимизнинг миллийлигимизга муносиб бўлмаган, тиззалари йиртиқ-ямоқ шимларни, "мода" деб турли бемаъни расм ва ёзув солинган кийимларни кийиб олишлари адабсизлик ва ҳаёсизликдир. Зеро, аёл-қизлар Аллоҳ берган ҳусну жамолини кўча-кўйда кўз-кўз қилиб гуноҳга ботмай, ифбатли кийинишлари керак.

Ўзга миллат маданиятига эргашиб, ҳақиқий, соф маданиятимизни, эътиқодимизни эсдан чиқармаслигимиз лозим ва лобуд. Шу ўринда бир зарбул масални эслаб ўтишимиз мақсадга мувофиқ.

Ўтган замонда бир қарға бўлган эди. У мўътадил ҳаракат қилиб юрар эди. Бир куни у ўйноқлаб юрган чумчукни кўриб қолди. Қарғани ақлу хушу учиб, уни енгиллиги, оҳиста сакраши ва учиши ҳақида ўйлаб қолди. Ўйлай – ўйлай унга тақлид қилишга азму қарор қилди. Ҳаддидан ошиб, бор кучини ишга солди. Табиатидаги қарғаларга хос хислатлар қолиб “чумчук” бўлишни истаб қолди. Тинимсиз машқлардан сўнг натижа чикмагач, ҳафсаласи пир бўлди. Кўзлаган орзусига эришолмагач, аввалги ҳолатига қайтмоқчи бўлди. Лекин... Қандай юришни билмади. “Ўзининг юришини” эсидан чиқарганди. Шунинг учун ҳам Расули акрам алайҳиссалом ўзга миллатга кўр кўрона эргашиш, тақлид қилишдан қайтарганлар:

«مَنْ تَشَبَهَ بِقَوْمٍ فَهُوَ مِنْهُمْ» (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ)

яъни: *“Ким ўзини бирор қавмга ўхшатса у улардандир”*, - дедилар” (Имом Абу Довуд ривояти).

Мухтарам азизлар! Дунёда илм-фан шиддат билан ривожланмоқда, ҳар куни кашфиётлар қилинмоқда. Лекин шу кашфиётларнинг қанча қисми мусулмонлар ҳиссасига тўғри келмоқда? Афсуски, бу нисбат жуда кам бўлиб, бизни огоҳликка, илм-фан билан жиддийроқ шуғулланишга ундайди. Тарихда мусулмон олимлари дунё халқларига кўплаб кашфиётларни тақдим этганлар. Кашфиётларнинг кўпи аниқ фанларга тўғри келган, яъни математика, геометрия, астрономия, физика, кимё ҳамда тиббиёт фанлари ривожланган.

Лекин воқеъелигимизнинг аксар ҳолатларида бекорчи тортишувлар, диний ҳис-туйғуларни қўзғатиш билан гиж-гижлаш ҳолатлари ҳалигача давом этмоқда. Маърифатпарвар аждодларимиздан Мунавварқори Абдурашидхонов бундан бир аср олдин таассуф билан шундай деган эдилар: *“Бугунгача Оврупо халқи осмонга учар экан, бизда соч ва соқол низолари, овруполилар денгиз остида сузар экан, бизда узун ва қисқа кийим жанжаллари, Оврупо шаҳарлари бутун электрик билан иситилур ва ёритилур экан, бизда мактабларда жўғрофия ва табиёт ўқитиш, ўқитмаслик ихтилофлари давом этади”*.

Кўриб турганимиздек, бу сўзлар ҳозиргача ўз қийматини йўқотмаган. У киши зикр қилган тортишувларнинг аксарияти ҳали ҳам учрамоқда. Мусулмончиликни эркаклар фақат узун соқол кўйишда, аёллар эса юз қўлларини ўраб олишларидан иборат деб ўйлашлари нодонликдир.

Аслида, фарзандларимизни жамият учун манфаатли қилиб тарбиялаш бугунги кунда барчамизнинг мақсадимиз бўлиши лозим. Зеро, Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

"أَحَبُّ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни: **“Одамларнинг Аллоҳга энг сеvimлиси – бошқаларга фойдаси кўпроқ тегадиганидир”** (Имом Табароний ривояти).

Аллоҳ таоло ёшларимизни камолотга эриштириб, аждодларига муносиб авлод бўлишини насиб қилсин. Омин!